2007 ЙИЛ, 29 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 208 (11.017) Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР САДОСИ**

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг янги таҳрири лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**• Тошкент Давлат техника университетида «Инновация — 2007» XI халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Навоий тоғ-металлургия комбинати, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган анжуманда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Россия, Германия, Украина, Беларусь каби хорижий давлатлардан вакиллар қатнашди.**

**• Фарғона вилоятининг Риштон шаҳрида 720 ўринли Риштон тиббиёт коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда ҳамширалик иши, лаборатория-диагностика ҳамда тиббий-профилактика йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Коллежда 150 ўринга мўлжалланган ўқувчилар турар жойи ҳам бунёд этилди.**

**• Учқудуқ туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан республика Дўстлик форуми ташкил этилди. Спорт ва маданият усталарининг байрамона чиқишлари айниқса тадбирга катта файз-тароват бағишлади.**

**• Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эндокринология илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда мамлакатимизда жорий йилнинг 20 октябридан 20 ноябрига қадар «Қандли диабет — ҳаёт тарзи» шиори остида ойлик эълон қилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида матбуот анжумани ўтказилди.**

**• Тўрткўл туманида «Саломатлик-2» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давом этмоқда. Жумладан, туман ҳудудида тўртта қишлоқ врачлик пункти ва туғруқ мажмуаси бунёд этилди. Ижтимоий ҳимоя йилида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан чекка ҳудудларда жойлашган «Кўкча», «Ёмбошқалъа», «Пахтаобод» ва «Пахтачи» хўжаликлари аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.**

**• Навоий шаҳрида иш бошлаган «Бахт-текстиль» Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхонасида 1400 тоннага яқин пахта толаси қайта ишланди. Ҳозирда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан Европа давлатларига экспорт қилинаётган бўлиб, икки юз нафар ишчининг фаолият кўрсатиши учун цехларда барча шарт-шароитлар яратилган. Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, йилига 12 минг тоннагача калава ип ишлаб чиқарилади.**

## ЖАҲОНДА

**• Кеча Россия Федерацияси Марказий Сайлов Комиссияси шу йил декабрь ойида Давлат думасига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этувчи партияларнинг рўйхатини тасдиқлади. 11 та партияга сайловларда қатнашишга рухсат берилди, 3 та партия эса имзо йиғишдаги чалкашликлари учун рўйхатдан ўтказилмади. 3 ноябрдан партиялар сайловолди кампаниясида қатнашишни бошлайдилар.**

**• Кеча Грузия ғарбидаги бир нечта шаҳарда мухолифат кучлари томонидан мамлакатда президентлик бошқаруви тизимига қарши норозилик намойишлари ташкил этилди. Мухолифатчилар аҳолини Тбилисида «Грузия Президент бошқарувисиз» шиори остида 2 ноябрда ўтказиладиган 100 минг кишилик митингда қатнашишга даъват этмоқдалар.**

**• Дунё бозорида нефть нархининг кескин кўтарилиши давом этмоқда. Хусусан Нью-Йоркдаги «NYMEX» товар биржасида 1 баррел нефть 90,41 долларга баҳоланди. Мазкур биржада электрон савдолар якунлангандан сўнг «қора олтин»нинг нархи 91,1 долларга чиқди.**

**•Филиппин Президенти Глория Арроид бир неча ҳафта муқаддам коррупцияда айбланиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилган собиқ президент Жозеф Эстрадани бутунлай авф этди. Маълум бўлишича, собиқ Президент бундан буён мамлакатда бирон-бир сайланадиган лавозимга ўз номзодини қўймаслик мажбуриятини зиммасига олганидан сўнг авф этилган.**

**• АҚШнинг Афғонистонда НАТО ҳарбий кучлари сонини кўпайтириш тўғрисидаги сўрови рад этилди. Голландиянинг Нордвейк шаҳрида альянсга аъзо давлатлар мудофаа вазирлари учрашувида ушбу масала муҳокама қилинган. Айни пайтда Афғонистонда НАТОнинг 41 минг нафар аскари мавжуд.**

**• Кеча Молдовада кўп қаватли уйда маиший газнинг портлаши оқибатида олтита хонадонга жиддий шикаст етди. Кучли портлаш натижасида қўшни уйларнинг ойналари ҳам синиб кетди, битта қутқарувчи ҳаётдан кўз юмди, беш киши жароҳатланди.**

**• Кеча Сариқ денгизда Жанубий Кореяга қарашли юк кемасининг ағдарилиб кетиши натижасида 22 киши бедарак йўқолди.**

**• Кеча Туркиянинг Измир шаҳрида Курдистон ишчи партияси фаолиятига қарши оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Намойиш чоғида террорчилик ҳаракати содир этилди. Намойишчилар атрофида бомбанинг портлатилиши оқибатида уч киши яраланди.**

**ПОЙТАХТНИНГ бир куни**

Янгиликлар, воқеалар





**ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДА ИЗЛАНИБ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТАЁТГАН ЖАМОАЛАР ОРАСИДА «ЧЕВАР» ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАСИ МУНОСИБ ЎРИНГА ЭГА.**

*Иқтисодиёт*

## ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Мазкур корхона тадбиркорлари ички бозоримизни чуқур ўрганиб, харидор дид ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, сифатга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу боис ҳам корхонада ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларининг турлари доимий ортиб, харидорларни мамнун қилмоқда. Қўли гул чеварлар меҳнати билан тикилаётган эркак, аёл ҳамда болажонларимизга мўлжалланган кийим-кечаклар кўркам, бежирим, қулай бўлиб, иқлимимизга жуда мослиги билан мижозларга маъқул бўлмоқда.

Ушбу корхона цехларида ўрнатилган замонавий технологиялар, юксак унумли хорижий тикувчилик машина, дастгоҳлари, маркетинг ишлари кўнгилдагидай йўлга қўйилганлиги ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнат қилишларида мададкор бўлмоқда.

Жумладан, замон билан ҳамнафас бўлган дизайнчи-модельерларнинг харидор дид ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда янги-янги моделлар яратиш устида доимий изланаётганлари ҳам корхона истиқболини белгиламоқда.

Эътиборли томони, корхона фаолият юритаётган тумандаги яқин-атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи 100 нафарга яқин хотин-қизлар ушбу корхона тадбиркорларининг саъй-ҳаракатлари билан касаначилик асосида иш билан таъминланишди. Бунда Юртбошимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги Фармони корхона раҳбариятига дастуриламал бўлди ҳамда ушбу Фармон ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Келажакда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга аҳд қилган корхона аҳли касаначилик асосида яна кўплаб янги иш ўринлари яратишни режалаган. Эзгу мақсадни амалга оширишда иқтисодиётимизни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотлар шубҳасиз, қўл келмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «Чевар» тикувчилик корхонаси жамоасининг эътибори маҳсулот сифатини таъминлашга қаратилган.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар.**

## Қисқа сатрларда

• **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалар турар жойларида уюштирилган тадбирлар «Эгалик юрт эркини бермас» деб номланди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида маҳалла болалари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳамда стол тенниси, волейбол, баскетбол мусобақалари Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди.

• **ЎТГАН** куни «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида уюштирилган ҳашарда олий ўқув юртлари талабалари фаол иштирок этишди.

• **РЕСПУБЛИКА** киночилар уйида яқиндагина МДҲ давлатлари киноижодкорлари ўртасида уюштирилган Халқаро кинофестивалда совриндор бўлган Айюб Шаҳобиддинов режиссёрлигида киноижодкорларимиз томонидан яратилган «Ўтов» бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

• **ШАҲРИМИЗДА** молия тизими мутахассислари иштирокида ўтказилган анжуман Марказий Осиё молия институтлари ривожида қимматли қоғозларнинг аҳамиятига бағишланди.

• **ЮНУСОБОД** туманида туман ФҲДЁ бўлими ташаббуси билан ёшлар иштирокида оила қонунчилиги ва тиббий кўрикнинг моҳиятига бағишланган тадбир ўтказилди.

• **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институти ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорликларида сиёсий партиялар вакиллари, фаол ёшлар иштирокида ўтказилган тадбирда жамият тараққиёти ривожида сиёсий партияларнинг роли муҳокама қилинди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАР МУНОСИБ ЯШАШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ ВА ОДАМЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН»

**ЧЕТ ЭЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ОЛИЙ МАЖЛИС, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ, ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИНИ ШАРҲЛАШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Ушбу муҳим дастуриламал ҳужжат юзасидан хорижлик вакиллар билдирган фикр-мулоҳазаларда Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган муваффақиятлари юқори баҳоланмоқда. Уларда республикадаги кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти кўраётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланиши ўз ифодасини топган.

**Исломобод сиёсий тадқиқотлар институтининг Марказий Осиё бўйича етакчи мутахассиси Аҳмад Рашид**нинг фикрича, «сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсувчанлик суръати мамлакатда кенг кўламли ва туб ислоҳотлар ўтказилганидан далолат беради. Кейинги тўрт йил давомида иқтисодиётнинг йиллик ўсиши 7 фоиздан ошгани эътиборга сазовор жиҳатдир.

*(Давоми 2-бетда).*

## ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 26 ОКТЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ (БАА) ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ, БОШ ВАЗИРИ, ДУБАЙ АМИРЛИГИ ҲОКИМИ ШАЙХ МУҲАММАД БИН РОШИД ОЛ МАКТУМНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, кўплаб халқаро сиёсий масалаларга ёндашувларнинг муштараклиги, кўлами изчил кенгайиб бораётган иқтисодий алоқалар ўзаро ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланаётганидан далолат беришини, Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликлари билан муносабатларни қадрлашини таъкидлади.

Мамлакатларимиз бир-бири учун ишончли ҳамкор саналади. Мазкур учрашув ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 15 йил тўлган кунларга тўғри келганида ҳам чуқур рамзий маъно бор.

Бирлашган Араб Амирликларида, хусусан, Дубай амирлигида ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани катта мамнуният билан кутиб олинди. Мазкур давлатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида» деб номланган китоби араб тилида нашр этилди. Бу воқеалар мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва маънавий яқинликнинг, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг ёрқин тасдиғидир.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан БААда мамлакатимиз элчихонасини очишга ҳозирлик кўрилаётгани томонларнинг ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдорлигидан, интилишлари ўхшаш эканлигидан далолатдир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик суръати ҳам юқори. 1992 йилдан буён «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари Тошкент – Шаржа – Тошкент йўналишида қатновни амалга ошириб келмоқда. Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда 112,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистоннинг БААга экспорти асосан рангли металлар, ипак, газламалар ва хизматлардан (ҳаво транспорти орқали юк ва йўловчи ташиш) иборат. У ёқдан резина ва каучук маҳсулотлари, кийим-кечак, маиший электроника жиҳозлари, қурилиш материаллари, мебель ва транспорт воситалари импорт қилинади.

Мамлакатимизда БАА сармояси иштирокида ташкил қилинган 66 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қарийб ярми тўла БАА сармояси билан тузилган.

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари нефть-газ саноати ва нефть кимёси соҳасида катта тажрибага эга ва самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Жорий йилда Ўзбекистон билан БАА ўртасида Араб мувофиқлаштириш гуруҳи доирасида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ушбу гуруҳнинг 2007 йил июль ойида Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида унинг БАА томонидан аъзоси – Абу-Даби Тараққиёт жамғармаси вакиллари қатнашди. Мазкур анжуманда Ўзбекистоннинг таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, кимё саноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳаларига оид йигирмадан зиёд лойиҳаси кўриб чиқилиб, қатор ҳужжатлар имзоланди.

Гуманитар соҳада ҳам алоқаларни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан Жума Ал-Можидий номидаги Дубай маданият маркази қадимий қўлёзма асарларни ўрганиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Мамлакатларимиз ўртасида таълим, юқори технологиялар, тиббиёт соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш икки томон учун бирдек манфаатлидир.

Оқсаройдаги учрашувда Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, ўз мамлакати ислом цивилизацияси ривожида муҳим ўрин тутадиган ва улкан иқтисодий салоҳиятга эга Ўзбекистон билан кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) вице-президенти, бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 26 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасида Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол имзоланди.

Шу куни Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Юксак мартабали меҳмон Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Мустақиллик майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Ушбу муаззам мажмуа мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан, айниқса, халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятидан далолат эканини таъкидлади.

*Олий Мажлис Сенатида*

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИДА “МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ: ТАҲЛИЛ, БАҲО ВА ХУЛОСАЛАР” МАВЗУИДА КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Банклар ассоциацияси ва Банк-молия академияси билан биргаликда ташкил этилган ушбу конференцияда таъкидлаб ўтилганидек, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимиз ҳаётида катта тарихий аҳамиятга моликдир. Маърузада мамлакатимизда амалга оширилаётган, стратегик аҳамиятга эга бўлган кўп қиррали иқтисодий ислоҳотларнинг теран таҳлилига асосланган ғоялар илгари сурилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасида халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимий эътибор марказидаги биринчи даражали вазифа бўлиб келганлиги ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажаги алоҳида қайд этилди. Иқтисодиётнинг жўшқин ва барқарор ўсишини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш устувор вазифалар бўлиб қолмоғи керак. Шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва ислоҳ этиш юзасидан кейинги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Шу муносабат билан конференцияда халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш йўлида тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш, иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини, шунингдек банк-молия тузилмаларининг бозор ислоҳотлари жараёнларидаги кенг иштирокини таъминлаш масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди.

Тадбир иштирокчилари амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг қонунчилик асосларини таҳлил қилдилар. Конференцияда солиқ ва бюджет сиёсатининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини кучайтириш, хусусий мулкнинг ролини ошириш, рақобат муҳитини яратиш, банк-молия соҳасини янада ислоҳ қилиш, шунингдек ривожланган бозор инфратузилмасини яратиш билан боғлиқ устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

Мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш юзасидан конференцияда таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Конференция ишида сенаторлар, вазирлик ва идоралар, давлат қўмиталари, бизнес тузилмалар, Марказий банк, тижорат банклари, жамоат ташкилотлари намояндалари, олимлар, экспертлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА)**

# «ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАР МУНОСИБ ЯШАШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ ВА ОДАМЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН»

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон иқтисодиётига кўп миллиардли сармоя жалб этилиши республикада фаол сармоявий сиёсат олиб борилаётгани ҳамда хорижлик ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай муҳит яратилганининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришлар борасида эришилган натижалар халқнинг даромади ва фаровонлиги изчил ошишига, кенг миқёсли ижтимоий дастурларнинг муваффақият билан ҳаётга тадбиқ этилишига имкон яратди.

Ўзбекистон Президенти маърузасидан шундай хулосага келиш мумкин: мамлакатда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар аввало, одамларнинг муносиб яшаш шароитини яратиш ва уларнинг фаровонлигини оширишга йўналтирилгандир».

**Миср Араб Республикаси халқаро сиёсат бўйича Кенгаши аъзоси, Мисрнинг Бенилюкс мамлакатларидаги собиқ элчиси Аҳмад Вали** ўзининг мазкур маъруза юзасидан билдирган шарҳида таъкидлаганидек, «Ўзбек халқи ўзининг ўн олти йиллик мустақил тараққиёт йиллари давомида эришган муваффақиятлари ҳамда матонатли меҳнатининг натижалари билан фахрланишга ҳақлидир.

Янги давлат ва жамият қурилишининг беш тамойили асосида мамлакатда кенг кўламда яратувчилик ишлари амалга оширилди, республика Конституцияси қабул қилинди, салоҳиятли армия шакллантирилди, вазирлик ва идоралар, шу жумладан, ташқи сиёсий йўналиш ва дипломатия хизматини шакллантиришга масъул бўлган ташқи сиёсат маҳкамаси тузилди, жаҳоннинг ўнлаб давлатлари билан элчихоналар алмашинуви амалга оширилди ва ҳоказо.

Фуқаролик ва ижтимоий институтлар барпо этиш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизими, бошқарув, таълим тизимлари ва бошқа кўпгина соҳаларни ислоҳ этиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон ҳукуматининг доимий диққат марказида тургани Президентнинг маърузасида ўзининг яққол ифодасини топган.

Республикада эришилган муваффақиятлар Ўзбекистон халқи Президент Ислом Каримовнинг йўлини тўла англаши ва уни қўллаб-қувватлашини яна бир карра тасдиқлайди», дейди мисрлик эксперт.

**Брюсселдаги Европа халқаро муносабатлар институтининг асосчиси ва президенти Ирнерио Семинаторе** мазкур маъруза юзасидан мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасига йўллаган шарҳида, жумладан, шундай ёзади: «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакат мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан тақдим этилган маърузасида турли мураккабликлар, кескинлик ва хавф-хатарларга тўла бўлган ўтиш даврининг сиёсий, иқтисодий қийинчиликларига ҳам эътибор қаратилади.

Европа Иттифоқи республикада инфратузилмани замонавийлаштириш, масъулиятли фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодий тараққиёт ва фаровонликни кўзда тутиб қабул қилинаётган барча саъй-ҳаракатларни диққат-эътибор ва ҳурмат билан кузатиб бормоқда.

Маориф ва таълим тизими умумий маънодаги тараққиётнинг ижобий кўрсаткичи бўлмоқда, шунингдек, мустаҳкам ижтимоий сиёсатнинг ҳаётга тадбиқ этилиши давлат ислоҳотлари жараёнини, унинг тузилмалари ва мамлакатнинг умумий фаолиятини кафолатламоқда.

Мустақиллик қўлга киритилган кундан бошлаб амалга ошириб келинаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича Ўзбекистон ички барқарорлик ва қонуний тартибни сақлаган ҳолда тараққиётга эришмоқда ва юқори суръатларда олдинга қараб одимламоқда».

Ўзбекистон давлати раҳбарининг маърузаси билан танишган **Польша Республикаси спорт вазирининг ёрдамчиси, «Кураш» халқаро ассоциацияси ижрочи котиби Мечислав Бигошевский** «Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларда муваффақиятли ва барқарор ривожланишда давом этаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилганини» таъкидлайди.

— Шубҳасиз, бу Президент Ислом Каримовнинг хизматларидир, — дейди у. — Мен бир неча бор Ўзбекистонда бўлганман ва ҳар сафар давлатингизнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий соҳадаги тараққиёт суръатларидан ҳайратланаман. Шу билан бирга, Ўзбекистон халқи ўзининг миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналарини сақлаб келмоқда ва уларни янада мустаҳкамлашда давом этмоқда.

Ишонч билан айтишим мумкинки, Президент Ислом Каримов танлаган стратегия демократик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ўзгаришларнинг изчил давом этишини ҳамда чуқурлашишини таъминлаётгани баробарида мамлакатни янада ривожлантириш йўлида ижобий натижаларга рўпара қилмоқда».

**Корея Республикаси миллий ассамблеяси депутати, Сувон шаҳрининг собиқ мэри Шим Же-ток**нинг фикрига кўра, Президент И.Каримовнинг ушбу маърузаси «мустақил Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёти тарихи бўйича мухтасар қўлланма бўлиб, у мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини – иқтисодиёт тармоғидан тортиб то кадрлар тайёрлаш тизимигача бўлган барча қирраларни тўла қамраб олган. Бу маъруза ўзига хослиги, ишончли баҳолари, таърифлар аниқлиги, қўйилган масалалар ва уларга эришиш йўлларининг пухталиги ҳамда Ўзбекистоннинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти муаммоларини ҳал этиш бўйича мамлакат раҳбариятининг фундаментал меҳнати билан ажралиб туради.

Қачонки, ана шундай етакчи мамлакатга раҳбарлик қилар экан, нафақат жамият ривожининг узоқ муддатли стратегияси, балки уни рўёбга чиқаришнинг аниқ йўллари ҳам пухта белгилаб олинади. Бу ҳар қандай халқ учун, айниқса, ўтиш босқичидаги жамият учун катта бахт ва ютуқдир».

**ХХР Ижтимоий фанлар академияси ШҲТ тадқиқотлари марказининг бош котиби Сунь Жуанжи** Ўзбекистон раҳбарининг мазкур маърузаси ҳақида фикр билдирар экан, қуйидагиларни баён этади: «Ўзбекистон ҳукумати ва халқи мустақиллик йилларида ёрқин ютуқларни қўлга киритди. Мамлакат раҳбарияти юртда барқарорлик ҳукмрон бўлишига катта эътибор қаратмоқда, иқтисодиётнинг ривожи учун саъй-ҳаракатдан тўхтамаяпти. Ўзбекистон узлуксиз ва босқичма-босқич ислоҳотларни ҳамда очиқ ташқи сиёсатни олиб бормоқда, таълимга, шунингдек, жамият тараққиётига катта эътибор қаратмоқда, миллатлараро ва динлараро уйғунликни мустаҳкамлаётир, минтақа миқёсида иқтисодий интеграциялашувни илгари сурмоқда, бошқа мамлакатлар билан дўстона алоқаларини ривожлантирмоқда.

Ўзбекистон тараққиёти тажрибаси бир муҳим жиҳатни исботлаб берди: шундай ривожланиш йўлини излаш лозимки, токи у мамлакатнинг ўзига хослигига, сиёсий ислоҳотларнинг янги моделини рўёбга чиқаришга, мамлакатнинг халқаро иқтисодий рақобатбардошлик қобилиятини кучайтиришга, халқнинг яшаш даражаси юксалишини таъминлашга, ташқи сиёсатнинг яхши қўшничилик ва тинчлик тамойилларига амал қилишига мос келсин».

**Жамшид МУТАЛОВ**
**«Жаҳон» АА**

---

Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганидан буён ўтган 15 йил мобайнида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли равнақ топаётир. Бунда мамлакатларимиз раҳбарларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашлари, халқаро ва минтақавий муаммоларга ёндашувлари ўхшашлиги, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида мустаҳкам дўстона муносабатлар қарор топгани муҳим аҳамиятга эга. Террорчилик, айирмачилик, экстремизм ва наркобизнес каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши курашда муросасизлик тамойилига ҳар икки давлат қатъий амал қилади.

Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамлиги алоқаларимизни янада чуқурлаштириш учун асос бўлмоқда. ХХР Раиси Ху Цзиньтао 2004 йили давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йилда давлат ташрифи билан Хитойга борди. Ташриф асносида имзоланган дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Хитойнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги муносабатлари ҳам ривожланиб бораётир. Жорий йилнинг август ойида Бишкек шаҳрида ўтган ШҲТ саммитида икки давлат раҳбарлари минтақа хавфсизлиги, долзарб халқаро муаммолар ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олдилар.

**ЎЗБЕК ВА ХИТОЙ ХАЛҚЛАРИ АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАРИХИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ДАВРИДАН, ЯЪНИ МИНГ ЙИЛЛИКЛАР ҚАЪРИДАН БОШЛАНАДИ. БУГУНГИ АЛОҚАЛАР ЭСА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС ҲОЛДА РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА.**

## ДАВР ТАЛАБЛАРИГА МОС АЛОҚАЛАР

Хитой-Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан. Айни кунда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар деярли барча соҳаларда жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий сармоявий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий, энергетика, транспорт, хавфсизлик, алоқа ва ахборот технологиялари, фан-таълим, спорт, гуманитар каби кўплаб соҳаларда жадал ривожланмоқда. Мамлакатларимиз мазкур соҳаларда ҳамкорликда манфаатли лойиҳаларни амалга ошириб, самарали натижаларга эришмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик, айниқса, жадал ривожланаётир. Мазкур соҳада Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда 698 миллион АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг январь-август ойларида эса мазкур кўрсаткич 477 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўзбекистон Хитойга энергия ресурслари, нефть ва нефть кимёси маҳсулотлари, пахта толаси, ипак, ўғит, мева-сабзавот каби маҳсулотлар экспорт қилади. Хитойдан эса мамлакатимизга механик ва электрон ускуналар, оптик аппаратлар, дори-дармон, тўқимачилик, пластмасса ва пластмасса буюмлар, рангли ва қора металлар, ёғоч ва ёғочдан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинади.

Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 136 қўшма корхона, 26 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларда иш олиб боради.

Юртимизда Хитой ҳукуматининг фоизсиз (12 миллион АҚШ доллари) ва имтиёзли (36,3 миллион АҚШ доллари) кредитлари асосида қатор ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ХХР Эксимбанки Ўзбекистонга 300 миллион долларлик экспорт кредити ажратган. Шу билан бирга, Хитой ҳукуматининг ШҲТга аъзо мамлакатлар учун ажратган 900 миллион долларлик кредит линияси доирасида Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантиришга доир 19 лойиҳа кўриб чиқилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 612,1 миллион АҚШ долларига тенг.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро комиссияси мунтазам мажлислар ўтказиб, иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг янги имкониятларини юзага чиқармоқда. Унинг 2006 йил августда Тошкентда ўтган еттинчи мажлисида Хитой компанияларидан 200 нафар вакил иштирок этди. Икки мамлакатнинг турли вазирликлари ва савдо-саноат палаталари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Олий ўқув юртлари алоқаларининг самараси сифатида Хитой Миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлими, Тошкент давлат шарқшунослик институтида эса Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институти очилганини қайд этиш ўринлидир.

Мамлакатларимиз кадрлар тайёрлаш борасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айни вақтда юртимизда ўнлаб хитойлик талабаларнинг таҳсил олаётгани, Хитойда эса ҳамюртларимизнинг тил, халқаро иқтисодиёт ва савдо, менежмент, экогеология каби соҳаларда малака ошираётгани бунга ёрқин мисолдир.

Маданият ва санъат намояндаларининг алоқалари ҳам фаол. Хитойлик созанда ва хонандалар ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида, рассомлар эса Халқаро Тошкент замонавий санъат биенналесида мунтазам иштирок этадилар. 2005 йилнинг апрель ойида Пекинда «Ўзбек фотосанъатининг 125 йиллиги» кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда Хитой, Хитойда эса Ўзбекистон кунлари тез-тез ўтказиб турилади. ХХРда Ойбекнинг «Навоий» романи ва бошқа ўзбек адибларининг асарлари хитой тилида нашр этилган.

«Ўзбекистон-Хитой» дўстлик жамияти икки мамлакат ўртасидаги гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ўзаро ишонч ва манфаатдорлик руҳида тараққий этмоқда. Мамлакатларимиз бундан кейин ҳам дўстликни мустаҳкамлаб, ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантираверади, дейиш учун барча асослар бор.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

---

*Ҳуқуқий саводхонлик*

## ТАЪЛИМ ОЛИШ, МЕҲНАТ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАНГАН

**ФАРЗАНД ТУҒИЛИШИ ОИЛАДА ЭНГ ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕА. ШУ КУНИ ИНСОННИНГ ФАРЗАНД КЎРИШ, ДУНЁДАГИ ЭНГ ОЛИЙ УНВОН — ОТА-ОНА БЎЛИШ ҲАҚИДАГИ ОРЗУЛАРИ УШАЛАДИ ВА ХАЁЛ ОТИГА МИНИБ ЯНА КАТТА-КАТТА НИЯТЛАР САРИ «ПАРВОЗ» ҚИЛАДИ.**

Хусусан, фарзандини соғлом, билимли, маданиятли инсон бўлиб вояга етган ҳолда тасаввур этади. Шундан сўнг мурғак гўдакка чиройли исм топиш ва туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш каби «ширин» ташвишлар билан банд бўлади. Бу борада сизга албатта ФҲДЁ бўлими ходимлари лаббай деб жавоб берадилар. Мана шундай пайтда сиз эндигина дунёга келган вужуднинг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга интилаётганлигингизни ҳатто сезмайсиз ҳам.

Дарҳақиқат, янги туғилган гўдак дунёга келгандан бошлаб сиз исм қўйиш ва боланинг соғлом ўсиши ва камолоти учун шарт-шароит яратиш билан унинг ҳуқуқларини таъминлаган бўласиз.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади. Хўш, боланинг ҳуқуқлари нималардан иборат ва улар қайси ҳужжатда мужассам этилган?

Мустақил Ўзбекистонимизда юксак умуминсоний қадриятларга асосланган, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган, маънавий бой, ахлоқан етук, ақлан ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз Фармонлари ва давлатимизнинг бир қанча қарорлари қабул қилинган. Яъни юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг асл моҳияти ҳам оила, она ва фарзандни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

Фармон ва қарорлар ижроси йўлида бугун болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашга катта аҳамият берилган. Жумладан, спорт секциялари, болалар ижодиёти марказлари фаолияти айнан ана шу мақсадларга йўналтирилган.

Улуғлик ақл ва билим билан-дир. «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»-ги Конвенцияда ҳам уларнинг ўқиш ҳуқуқлари алоҳида таъкидлаб кўрсатилган. Бинобарин, мамлакатимизда ушбу ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этишда катта ишлар қилинди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида юзлаб янги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди, улар замонавий талабларга мос жиҳозланди.

Шу ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳукуматлар, халқаро агентликлар ҳамда ноҳукумат ташкилотлар «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция борасидаги музокаралар, уни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида бундай ҳужжат маънавий жиҳатдан зарурлиги тўғрисида бир битимга келишди. Чунки дунёда болалар ҳали ҳам кўплаб хавф-хатарга дучор бўлмоқда. Хусусан беш ёшгача бўлган минглаб болалар даволаш мумкин бўлган касалликлар, жумладан диарея, ўткир нафас қисиши, қизамиқ ва безгак туфайли вафот этмоқда.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция 54 моддадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бола ҳуқуқларини ҳимоя этишга йўналтирилган. Жумладан мазкур Конвенциянинг 7-моддасида «Бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ва туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини олишга ҳақли ҳисобланади. Иштирокчи давлатлар бундай ҳуқуқлар ўз миллий қонунчиликларига мувофиқ амалга оширилиши, уларнинг мажбуриятлари шу соҳага тегишли халқаро ҳужжатларга асосан, хусусан бошқа фуқароликка эга бўлмаган тақдирда бажарилишини таъминлайдилар», деб кўрсатиб қўйилган. Демак, бу сатрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бола туғилган заҳоти исм билан аталиш ҳуқуқига эга. Бола фуқаролик олиш ва иложи борича ўз ота-онаси кимлигини билиш, шунингдек уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эга.

Бизнинг давлатимизда Конвенциянинг моддаларида кўрсатилган барча талабларга тўла риоя қилинмоқда. Униб-ўсиб келаётган ёш авлод давлатимиз, қолаверса Юртбошимиз эътибори ва ғамхўрлигида жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб вояга етмоқда.

**Мавжуда МАҚСУДОВА,**
**Оила маросимлари маркази катта мутахассиси**

---

**ЯПОНИЯ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ КОМПАНИЯЛАРИ УЮШМАСИНИНГ БОШ НАШРИ — «КОММУНИКАЦИЯ ЯНГИЛИКЛАРИ» ЖУРНАЛИДА КЎҲНА ВА ҲАМИША НАВҚИРОН САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ПОЙТАХТИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА БОСИЛИБ ЧИҚДИ.**

## ЯПОН НАШРИДА САМАРҚАНД ВАСФИ

Журналнинг биринчи саҳифаси Ўзбекистондаги маҳобатли ва ноёб меъморий обидалар, халқимизнинг бетакрор амалий санъати дурдоналари акс этган ёрқин суратлар билан очилади.

Мақолада Марказий Осиё юрагида жойлашган Ўзбекистон дунё цивилизациясининг бешиги экани қайд этилиши баробарида мамлакатимизнинг Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий мулоқотда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланган.

Журнал дунё халқларининг «Буюк Ипак йўли»даги фаол маданий алмашинувлари таъсири остида шаклланган ўзбек маданияти ва анъаналарининг ўзига хос жиҳатлари хусусида ўз ўқувчиларига атрофлича маълумот берган.

Ўзбекистоннинг бугунги замонавий ҳаёти мавзусига мурожаат этар экан, нашр ўзбек халқининг миллий маданият, анъана ва урф-одатларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш, бу табаррук заминда яшаб ўтган буюк аллома ва мутафаккирларнинг бебаҳо ижодий-илмий меросини чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш юзасидан мамлакат ҳукумати кўраётган чора-тадбирларни юксак баҳолайди.

Журнал мамлакатимизда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи нишонланишига алоҳида эътибор қаратган. Мақолада таъкидланганидек, ушбу шаҳар том маънода Шарқнинг гавҳари ва ислом маданиятининг ганжинасидир.

Шунингдек, нашр ушбу шаҳарнинг тарихи, унинг Амир Темур давлатчилиги даврида гуллаб-яшнагани, бетакрор Регистон майдонида қарор топган Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасалари, буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда олиб борган илмий ва бунёдкорлик ишлари ҳақидаги атрофлича маълумотлар ҳам журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Мақола якунида муаллиф япон ўқувчиларини Шарқнинг бу бетакрор шаҳри – гўзалликда тенги йўқ Самарқандни ўз кўзлари билан кўриш учун Ўзбекистонга боришга чақиради.

**«Жаҳон» АА**
**Токио**

---

*Иқтисодиёт*

## РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

**ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА ЙИЛДАН ЙИЛГА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН КОРХОНАЛАР КЎПАЙИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИ, АЛБАТТА. УЛАР ОРАСИДА, ШУБҲАСИЗ «КОИНОТ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МУНОСИБ ЎРНИГА ЭГА.**

Мазкур корхона маҳсулотлари Марказий Осиёда ягоналиги билан ажралиб туради. Боиси, корхона жамоаси импорт ўрнини босувчи замонавий электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариб, улар алоқа ҳамда телекоммуникация тизимида кенг қўлланилмоқда. Анча йиллардан буён илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси сифатида фаолият юритаётган корхона 5 йил аввал акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Мазкур жамоа аҳлининг самарали саъй-ҳаракатлари билан яратилаётган аналогли, рақамли мультиплексор, модем, конверторлар нафақат республикамизда, балки кўплаб Ҳамдўстлик давлатларида ҳам харидоргир. Сифати, ишлатишда қулайлиги билан ажралиб турувчи фильшполлар, кабеллар тўплами янги ишланма бўлган абонент концентратори — «Коинот Эл-СГМ» глобал Интернет тармоғидан фойдаланишда самарали қўллашга мўлжалланган. Унинг афзаллиги эса сафдошларидан бир нечтасининг ўрнини боса олишида.

Жамият тадбиркорлари доимий изланишда. Буюртмачилар сафи кенгайишида эса ўтган ой охирида «Ўзэкспомарказ»да анъанавий ўтказиладиган —«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган—2007» кўргазмасидаги корхона маҳсулотлари намойиши муҳим аҳамият касб этиб, узоқ муддатли шартномалар тузилди.

## ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

**ЯХШИ МУСИҚАНИНГ НАФАҚАТ КАЙФИЯТГА, БАЛКИ РУҲИЙ ҲОЛАТГА ҲАМ ИЖОБИЙ ТАЪСИРИ АЛЛАҚАЧОН ТИББИЁТДА ИСБОТЛАНГАН. АЙНИҚСА, МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИДАН ТАРАЛГАН ҲАЗИН, МУНИС КУЙ БИР ЗУМДА БОРЛИҒИМИЗНИ ЧУЛҒАБ ОЛАДИ.**

Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган асбобсоз-уста Даврон Абдужалилов ҳамда унинг ёш сафдошлари миллий ҳунармандчилигимизни чуқур ўрганиш, уни ривожлантириш ва албатта, шогирдлар етиштиришдек масъулиятни зиммаларига олганлар.

Ҳозирда ҳунарманд усталар ота-боболаримиздан мерос—дутор, уд, рубоб, тор, най, доира каби 15 турдаги миллий чолғу асбобларини қойилмақом қилиб ясашмоқда. Уларни тайёрлашда асосан ўзимизда ўсадиган мевали дарахтлар: ёнғоқ, ўрик, тутлардан самарали фойдаланилади. Ҳар бир асбобнинг ўз рангига мос, уйғунлашиб кетадиган ўзал нақшлар ҳамда бетакрор безаклар уларни жозибадор қилиш билан бирга, бир-бирини такрорламаслиги билан алоҳида ажралиб туради.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Таълим*

## ИНСТИТУТГА ТЕНГДОШ КАФЕДРА

**ТОШКЕНТНИНГ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ ЎЗИНИНГ 35 ЙИЛЛИК САНАСИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА. РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ЙИРИК ТЕХНИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН БУ КАДРЛАР ЎЧОҒИДА ҲОЗИР ЎНДАН ОРТИҚ КАФЕДРА МАВЖУД.**

«Йўл қурилиш машиналари» кафедраси ташкил этилганига ҳам 35 йил тўлди. Бу соҳада унинг фаолияти янада кенгайди. Бу ерда тайёрланаётган механик муҳандислар қурилиш индустриясининг йўл, коммунал, юк машиналари, соҳалари бўйича етук кадрлар бўлиб етишмоқда.

Ер усти транспорти технологик машина ва жиҳозлар мутахассислиги бўйича бакалаврлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Кафедрада «Йўл ва қурилиш машиналари», «Кўтариш ва тушириш машиналари» мутахассислигидан магистрлар тайёрлаш ҳам амалга оширилмоқда.

Ҳозир кафедра ҳузурида «Қурилишни комплекс механизациялаш», «Машиналардан фойдаланиш ва таъмирлаш» деган соҳавий лабораториялар ишлаб турибди.

Ўз фаолияти давомида кафедра томонидан 2500 нафар муҳандис-механикка йўлланма берилди. Бу кадрларнинг бир қисми қўшни республикаларда ҳам фаолият кўрсатишмоқда.

## МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ КРАСНОДАР ЎЛКАСИДА УЮШТИРИЛГАН ЁШ АВТОНАЗОРАТЧИЛАР ХАЛҚАРО СЛЁТИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ҲАМ ЖИДДИЙ СИНОВ БЎЛДИ. БУ ТАДБИРДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ВАКИЛЛАРИ ҲАМ ФАОЛЛИК КЎРСАТДИЛАР.**

Тошкентдаги 110-мактабнинг юқори синф ўқувчиси Шура Набираев, 60-мактабдан Николай Малютинлар фахрли иккинчи ўринни қўлга киритдилар. Пойтахтимиздаги 51-мактаб иштирокчилари эса учинчи ўринни олдилар. Ғолибларга ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Акбар АЛИЕВ**




№ 9(181) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

# ЎЗ САЛОМАТЛИГИМИЗГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

**ДАРАХТЛАР БУТУН ЁЗ ДАВОМИДА ҲАР ХИЛ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ, ЧАНГЛАРНИ ЮТИБ, ЎЗИДАН КИСЛОРОД МОДДАСИНИ АЖРАТАДИ. ЁЗ БЎЙИ ЧИҚҚАН ЧАНГ ВА ГАЗЛАР БАРГЛАРГА ЎТИРИБ, ЕРГА ХАЗОН БЎЛИБ ТУШАДИ. ШУ САБАБДАН ОЛТИН КУЗ ФАСЛИДА ХАЗОНЛАРНИ ЁҚИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙ, УЛАР ТЕГИШЛИ БЕЛГИЛАНГАН ЧУҚУРГА ТЎКИЛСА, КЕЛГУСИ ЙИЛИ МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН.**

Афсуслар бўлсинки, гўзал шаҳримизни кечқурун кезган инсон баъзан тутунлардан кўз оча олмайди. Чунки куз фасли келиши билан Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг кескин ўзгариши кузатилади. Бунга асосий сабаб метеорологик жараёнларнинг ўзгариши натижасида вақти-вақти билан кузатиладиган нохуш ҳолат, ҳамда шу фаслда хазон, шохшаббалар, ахлат уюмларининг ўзбошимчалик билан ёқиб юборилишидир. Бунинг натижасида атмосфера ҳавосида карбонат ангидрид ва бир қатор заҳарли моддаларнинг кўпайиши кузатилади. Бу ҳолат инсоннинг нафас олиш органлари ва юрак-қон томир касалликларининг кескинлашувига олиб келади.

Шаҳримиздаги айрим уй-жой мулкдорлари ширкатлари, туман ободонлаштириш бошқармалари ҳамда корхона, ташкилотлар раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли хазонларни ёқиб юбориш ҳоллари содир бўлмоқда. Бу эса пойтахтда экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келиши табиий.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси масалага жиддий ёндошиб, ҳамма туманларда хазонларни йиғиш ўрасини яъни, ҳар бир туман ҳудудида иккита-учта компост чуқурлари тайёрланган ҳолда корхона, ташкилотларга автоулов воситаларини жалб қилиб, хазонларни ўз вақтида йиғиштириб олиш режасини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасини бузиб, қонунбузарликка йўл қўйилса, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 88-моддасининг 3-қисмига биноан мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бароборидан ўн бароборигача, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан беш бароборгача жарима солинади.

Фақат октябрь ойининг 15 куни ҳолатида юқорида кўрсатилган моддага асосан қўмита нозирлари томонидан 20 та ҳолат аниқланиб, 7 та ҳолат бўйича мансабдор шахслар жаримага тортилган.

Қонунбузарликнинг олдини олиш ҳамда шаҳримиздаги атмосфера ҳавосига салбий таъсир этувчи хазонларни ёқиш натижасида ажраб чиқадиган газларни камайтириш учун туманлардаги маҳалла қўмиталари, маҳалла аҳли, таълим муассасалари, корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари ва барча шаҳар аҳолиси масалага ижобий ёндошсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳар йили куз фаслида бу масала кўтарилади албатта. Лекин негадир унинг ечимига унчалик эътибор қилинмайди. Мана шу лоқайдлигимиз орқасида кўпинча ўзимиз азият чекамиз. Ваҳоланки, хазон муаммосини бартараф этиш учун ота-боболаримиз қўллаган усул — хазондан ўғит тайёрлашда фойдаланса бўлар эди. Шу мақсадда хазонларни тўкиш учун компост чуқурларини кўпайтириш, корхона ва ташкилотларнинг барча транспорт воситаларини хазонларни ўз вақтида йиғиштириб олишга жалб этиш, ўзбошимчалик билан ёқилган хазонларни аланга олмасдан ўчириш учун махсус тузилган гуруҳлар ишини фаоллаштириш даркор.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари хазонларни ёқиш каби салбий ҳолатларга йўл қўяётганларни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88 ва 91-моддасига асосан жавобгарликка тортишни қўллашлари мумкин албатта, аммо бу билан вазият ўзгарармикин? Бу муаммони бутун ҳамшаҳарларимиз ўртасида ҳамжиҳатлик билан ҳал қилса бўлади.

Шунинг учун ҳам, хазонларни тегишли белгиланган чуқурларга тўкинглар, уларни ёқишга йўл қўйманглар, ўзларингиз ва болаларингиз соғлиғига путур етказманглар деб яна бир карра эслатишни жоиз деб билдик.

Куз фаслида яна бир муаммо бўлиб, у ташкилотлар, уй-жойлар, муассасалар ва корхоналар ҳамда мактаб, мактабгача таълим муассасалари томини таъмирлаш вақтида қора мум (битум)ни очиқ ҳолда ёқишдир.

Қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёқилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмасисиз очиқ аланга олдириб, уларни ёқиш, қора мумни эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилинмаганлиги учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддаси қўлланади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси шаҳримизнинг экологик хавфсизлиги, унда яшовчи инсонларнинг тақдирига бефарқ бўлмасдан атроф-муҳитни асрашга чақиради.

**Матлуба УМАРОВА,**
**Чилонзор тумани нозири**



## «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ:
# ТАҲЛИЛЛАР НИМАНИ КЎРСАТАДИ?

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 10 СЕНТЯБРИДАН 10 ОКТЯБРИГА ҚАДАР ШАҲРИМИЗДА «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбир давомида 14 та автотранспорт корхонаси текширувдан ўтказилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрига кириш ва чиқиш постларида ҳамда шаҳар автойўлларида 13755 та автомобилнинг чиқараётган газларнинг зарарлилик даражаси кузатилди. Шулардан 1254 тасида ёки 9 фоизида юқори зарарлилик ва ишланган газларнинг тутуни кўплиги қайд этилди. Юқори зарарлилик даражасига барҳам бериш учун 53 та автомобиль ҳаракатдан тўхтатилди.

Назоратдан ўтказилган автокорхоналарда чиқарилаётган газларнинг зарарлилик даражасини назорат қилувчи анжомлар бўлса-да, Давлат стандарти идораларида синовдан ўтказилмаган. Назорат қилиш борасидаги камчиликлари учун 25 мансабдор шахс 622850 сўмлик жаримага тортилди.

«Тоза ҳаво» тадбирларининг йиллик таҳлили шуни кўрсатадики, ишлатилган газларнинг зарарлилиги даражаси ва шундай газларни чиқараётган машиналар сони камайиб бормоқда. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан жорий йилда 25000 та хусусий автомобиль ҳамда 800 та давлат ташкилотларининг автомобилларини текширилиши белгиланган бўлса, йил давомида ўтказилган 2 та «Тоза ҳаво» тадбирининг ўзида 26500 та шахсий фойдаланишдаги ва 980 та давлат идораларининг автоуловлари назоратдан ўтказилди. Хусусий фойдаланишдаги 2453, давлат секторидаги 93 та машинанинг тутуни қуюқлиги ва чиқараётган газларнинг зарарлилик даражаси юқорилиги аниқланди.

«Тоза ҳаво» тадбири натижаларининг таҳлили асосида кейинги шу каби операцияларни янада мукаммаллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

# ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ!

## Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси огоҳлантиради:

**ШАҲАРДА** хазонларни ёқиш соғлиғингиз учун хавфли! Қуриган баргларнинг ёниши жараёнида атроф-муҳит нафақат углерод гази, балки ис ва олтингугурт гази сингари заҳарли моддалар тарқалиб, катта зарар етказади. Хазонлар таркибида шунингдек, автомобиллардан чиқаётган газлар ва саноат корхоналари тутунлари орқали йиғилиб борадиган қўрғошин, кадмий ҳамда мис каби оғир металлар ҳам мавжуд бўлади.

**ХАЗОНЛАРНИ** ёқиш пайтида чиқадиган тутун таркибида мураккаб таркибдаги органик бирикмаларни ўз ичига олувчи заҳарли диоксин бўлиб, у нафас органларига зарарли тарзда таъсир этади. Заҳарли диоксинлар айниқса тананинг ҳимоя тизими алоҳида сезгир ҳисобланмиш болалар ҳамда нафас йўлларининг соматик хасталиклари, юрак-қон томир, аллергик касалликлари бўлган кексалар учун ниҳоятда хавфлидир.

**ЁДДАН ЧИҚАРМАНГ:** бир тонна чириётган ўсимлик чиқиндилари атроф-муҳитга 30 килограммга яқин углерод гази ва бошқа канцероген моддаларни чиқаради. Агарда хазонлар тўпламига пластик идиш, полиэтилен пакетлар, линолеум парчалари қўшиладиган бўлса ёниш жараёнида ундан 75 га яқин муайян заҳарли, атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддалар ажралиб чиқади.

**МАҲАЛЛА** қўмиталари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ҳамшаҳарларимизнинг вазифаси хазонларни йиғиш ва уларни чиқариб ташлаш ёхуд қуриган баргларни тўкиш учун тайёрланган компост чуқурларига жойлаштиришдир.

**ШУНИНГДЕК,** махсус техник воситаларни қўлламаган ҳолда битумни эритиш ва унинг очиқ алангалатган ҳолда ёқилиши ҳолатларига барҳам беринг. Зеро, бунда нафақат атмосферани ифлослантирувчи моддалар ажралиб чиқади, балки эритилган битумга ўрнатиладиган рубероиднинг сифати ҳам йўқолади: у бир неча ойдан кейин ёрилиб, чакка ўта бошлайди.

**АГАРДА** сиз хазонлар ёқилаётгани ёхуд битумнинг эритилиб очиқ алангалатилаётганининг гувоҳи бўлсангиз Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ёки Халқлар дўстлиги кўчаси, 7-уйда жойлашган Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Тошкент шаҳар инспекциясига мурожаат қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 88-моддасига мувофиқ қоидабузарликлари учун фуқаролар энг кам иш ҳақининг 1 баравардан 3 бараваригача, мансабдор шахслар эса 5 баравардан 10 бараваргача жаримага тортилади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси

*Мулоҳаза*

# ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЕЧИМЛАРИ

**ХАЛҚИМИЗДА «ИСРОФ ҚИЛМАГИН, ИСРОФГАРЧИЛИКНИНГ ОҚИБАТИ ЁМОН БЎЛАДИ» ДЕГАН ГАПНИ КЎП ҚАЙТАРИШАДИ. ИСРОФГАРЧИЛИК НИМАЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИНИ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗДА КУЗАТИБ ТУРИБМИЗ. КЕРАКМИ КЕРАКМАСМИ КАТТА-КАТТА УЙЛАР ҚУРАМИЗ. КИМ ЎЗАРГА ТЎЙЛАР ҚИЛАМИЗ. ҚЎША-ҚЎША КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ОЛАМИЗ. БУЛАРНИНГ УВОЛИ ТУТМАЙДИМИ?!**

Юқоридаги исрофгарчиликларни кузатсак тез оқибатини кўришимиз мумкин. Биз ушбу мақоламизда бир қарашда тез тушуниб етиш қийин бўлган исрофгарчиликлар ҳақида тўхталмоқчимиз.

Экологиянинг бузилиши натижасида Еримизнинг қарийб ҳамма жойларида ноқулай об-ҳаво юзага келаётганини кузатмоқдамиз. Қаердадир сув тошқинлари бўлмоқда. Ҳеч қачон қор кўрмаган иссиқ мамлакатларда қор ёғмоқда. Мўътадил ҳавога ўрганиб қолган Европа мамлакатларида ёзда жуда иссиқ ва қишда совуқ бўлмоқда. Антарктидада ях қатламлари эриб кетмоқда, океан сувлари кўтарилмоқда. Бундан ҳамма-ҳамма зарар кўрмоқда. Табиатга ваҳшийларча муносабатда бўлувчилар ўз хатти-ҳаракатларини яшириш учун «бунга техника тараққиёти» сабаб деб ўзларини оқламоқчи бўладилар. Бу тўғри эмас. Техника ривожи билан табиатга зарар етказишнинг орасидаги фарқ каттадир. Инсон табиатнинг бир бўлаги бўлгани сабабли унинг бузилмаслиги учун шароит яратиб беришимиз зарур. Табиатга зиён етказмасдан яшаш мумкин. Бунинг учун ота-боболаримизнинг урф-одатларини ўрганишимиз ва ёшларга ўргатишимиз сўнгра кундалик ҳаётимизда қўллашимиз зарур бўлади.

Табиатимизнинг аҳволини оғирлаштираётган инсонларнинг исроф тушунчасини шакллантирмасдан туриб экологияни тузатиб бўлмаслигига ақли етаётган бўлса керак. Ҳар бир нарсани керагидан ортиқ сарф қилишга ўрганиб қолган одамларга исрофни тушунтириш жуда қийин.

Нимани исроф қилиш керак эмаслиги ҳақида тўхталиб ўтсак. Бунда фақат эътибор берилиши лозим бўлган асосий нарсалар ҳақидагина тўхталамиз, булар:

* Умр ёки вақт, тўғрироғи, бўш вақт ёки фойдали сарфланаётган вақтдан бошқа вақт.
* Сувни ўз ўрнида сарфлаш.
* Ичимлик ва овқатларнинг сарфи.
* Кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмлари.
*Тўй ва маъракалардаги сарф-харажатлар.
* Уй-жой ва машиналардан фойдаланиш.

Миллий урф-одатларимизда «сенинг боланг, менинг болам» ёки «сенинг кўчанг, менинг кўчам» деган гапнинг ўзи йўқ. Ҳамма одамлар ҳамма нарса учун жавобгар. «Менинг ишим йўқ, менга тегишли эмас» деган гап халқимизга бегона тушунча.

Умрни зое қилишда асосий сабаб, бизнинг кузатишимизча, одамларнинг миллий урф-одатларини билмаслиги. Ўзбек миллий урф-одатларини билган инсон, кишилар манфаати учун кеча-кундуз хизмат қилиши керак. Демак бўш вақти қолмайди. Умрини бекорга исроф қилмайди.

Миллий урф-одатларимиз ҳаётимизга аста-секинлик билан қайтиб келмоқда. Бу ҳақда олимларимиз кўп илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари зарур. Чунки замон ўзгармоқда, одамлар ўзгарган. Экология масалалари долзарб масала бўлиб қолди.

Экология ва умрни увол қилиш. Бу икки масала бир-бири билан чамбарчас боғланган. Умрни тўғри ташкил қилиш билангина экологияни, қолаверса инсониятни сақлаб қолиш мумкин бўлади. «Инсоният табиатга зиён етказмаслиги керак» деган қоидага асосланиб яшашимиз керак. Бу қоида ўзбек урф одатларида ўз аксини топган.

Сув ҳаёт манбаи, сувсиз турмушимизни тасаввур қила олмаймиз. Экология ҳақида гапирилганда албатта сўз сувдан бошланади. «Сув олдинги даврларда тоза бўларди. Ариқлардан тўлиб сув оқарди» деган гапларни кўп эшитамиз. Саволни ўзимиздан бошласак тўғрироқ бўлар эди. Ота-боболаримиз сувга қандай муносабатда бўлишни, сувнинг қадрига етмоқ нималигини яхши билишган.

Заруратсиз сувни ишлатиш сувнинг исрофгарчилигига олиб келади ва бу ўз навбатида экологиянинг бузилишига сабабчи бўлади.

Ҳаётимиз асоси бўлган сувга бўлган муносабатимиз ачинарли ҳолда. Бу соҳада қилинадиган ишлар жуда кўп. Сув ишлатиладиган ҳар бир соҳани текшириб чиқиш зарур. Ўзбек урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда сув ишлатиш маданиятига тегишли қоидаларни ҳозирги замондаги қўлланилиш чегараларини аниқлаш зарур бўлади.

Сув сарфи учун ҳар биримиз жавобгармиз. Сувни увол қилишга йўл қўймаслигимиз лозим.

Озиқ-овқат ва ичимликлар уволи асосан «бойликка шўхлик»дан ва бепарволикдан келиб чиқади. «Ноннинг суви қочибди емайман» ёки «Бу овқатни эмас, ундай овқат истеъмол қиламан» дейишлик исрофгарчиликнинг бошланиш нуқтасидир. Ўзбек урф-одатларида «ноннинг ёмони бўлмайди» деган қоидага асосланилади. Бир ноннинг сифати иккинчи нонга нисбатан бошқачароқ бўлиши мумкин лекин нон ёмон бўлмайди. Касаллик ёки бошқа бир сабабга кўра овқат танлаш ҳуқуқи берилади.

Хонадонлардан чиқаётган пўчоқларда инсон истеъмол қилиши мумкин бўлган озиқ-овқатларни кўп кўрамиз. Хонадон аҳли бепарволик қилиб озиқ-овқатларни яроқсиз ҳолга келтириб қўйган бўлади. Пўчоқдаги озиқ-овқатларнинг чорва моллари истеъмоли билан исрофгарчилик бизнинг бўйнимиздан соқит бўлмайди. Қоп- қоп қотган нонлар учун биз жавобгармиз. Чунки нон инсонлар озиқаси. Чорва молларининг озиқалари алоҳида.

Кийим-кечак ва уй буюмлари масаласи ҳозирги замонда жуда кескин бўлиб турмоқда. «Мен сендан қолмайман» деганлар қўша-қўша кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмларини харид қилмоқдалар. Уйларида эскиларини қўядиган жой қолмаяпти. Бир неча маротаба кийилган ва яқинда харид қилинган уй жиҳозлари ахлатга ташланмоқда ёки бошқа усул билан кўздан йўқотилмоқда.

«Нега бундай салбий ҳодисалар содир бўлмоқда» деган саволнинг туғилиши табиий ҳол. Сабаби қўни-қўшни ва қариндошлардан узилиб қолганимиз. Тўғрироғи қўни-қўшни ва қариндошларнинг муҳтожларидан алоқани узиб қўйганимиз. Миллий урф-одатларимизга кўра, бева-бечораларни тез-тез зиёрат қилиб туриш лозим бўлади. Агарда шундай қилинса албатта кийим-кечак ва уй-рўзғор жиҳозлари исроф қилинмаган бўларди.

Кийим-кечак ва уй-рўзғор жиҳозлари кўп маблағ талаб қилинадиган нарсалардир. Бекорчи нарсаларни харид қилиш билан икки томонлама ютқазиш содир бўлади. Биринчидан меҳнат билан топилган маблағ сарфланилади. Иккинчидан шу нарсани ишлаб чиқариш учун кимнингдир умри завол кетди, хом ашё сарфланади, энергия ишлатилади, демак ёқилғи заҳираси камайиши баробарида ундан чиққан иссиқлик ва заҳарли моддалар экологиянинг бузилишига олиб келади.

Экологик маданиятнинг бир кўриниши бу, кийим-кечак ва уй-рўзғор жиҳозларини ортиқча сарфламасликдир. Ҳар бир одам ўзининг кийим-кечаги ва уйидаги жиҳозларга бир назар ташласин ва «ҳаммаси зарурми?» деган саволни ўзига берсин.

«Тўйнинг хайрлиси кам харажатлисидир» деган гаплар қаерда қолиб кетди? Ўзбек урф-одатларига қайтсак бу иллатдан ҳам тез қутулиб олган бўлар эдик. Манманлик, одамларга мақтаниш учун тўй ва маъракаларни ўтказиш қаердан келди.

Ҳозирда тўй учун жуда катта маблағ сарфланмоқда. Маблағ сарфланиб, унинг ҳисобига олинган нарсаларнинг керагидан керак эмаслари кўп. Қўша-қўша карнайлар, саф-саф санъаткорлар, қатор-қатор домлалар ва узундан-узун қўл қовуштириб турган ҳассакашлар тўй учун зарур эмас. Тоғора-тоғора ноз-неъматлар, қўша-қўша сарполар тўйнинг хайрли бўлишига сабаб бўла олмайди.

Маблағи борлар катта-катта тўйларни ўтказар, лекин имконияти йўқлар ҳам тиришиб, қарзга ботиб тўй ўтказишга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида кўп нохушликлар келиб чиқади. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтсак,: тўй қилувчининг асаби бузилиб, саломатлиги ёмонлашади; қарздорлик юкини кўтариб юришига тўғри келади; одамлар орасида «кучи етса етмаса-катта тўй қилиш керак» деган салбий фикр туғилади; куёв ва келиннинг қарзга олинган нарсалардан фойдаланишига тўғри келади; набатдаги тўйни ўтказиш кечиктирилади; қарз тўлаш асносида, оиладаги аҳвол оғирлашади;тўй вақтидаги қийинчиликлар икки қуда орасидаги муносабатларда ноқулайликларни келтириб чиқаради; куёв ва келин бахти мол-дунёга боғлиқ бўлиб қолади. Ҳар қандай исрофгарчилик экологик бузилишга олиб келиши аниқ бўлиб исбот талаб қилмайдиган нарсадир. Тўйдаги исрофгарчиликлар бундан истисно эмас.

Кўпгина давлатларда экологияни соғломлаштиришга ҳисса қўшиш ниятида ва шу билан бирга киши саломатлигини яхшилаш мақсадида пиёда юриш ва механик ҳаракатланиш воситаларидан фойдаланиш кенг тарғибот қилинмоқда. Бу соҳада кўпгина ютуқларга ҳам эришилмоқда. Бизда ҳам шундай ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Экологиянинг жадал бузилиб бориши билан инсоният олдида кескин долзарб масалалар вужудга келмоқда. Бу масалаларнинг ечимини фақат фан ва техниканинг ривожидан кутиш тўғри эмас. Чунки табиатнинг шундай қонунлари борки, уни ўзгартириб бўлмайди. Исрофгарчилик албатта экологик инқирозга олиб келади. Шунинг учун экологик маданиятни халқимиз онгига сингдириб боришимиз лозим бўлади. Экологик маданиятнинг асослари ўзбек урф-одатларида тўлиқ ўзининг аксини топган. Миллий урф-одатларимизни ёшу кексалар орасида тарғиб қилиш билан экологияга катта фойда келтирган бўламиз.

**Нодирхон САЛИМОВ,**
**техника фанлари номзоди,**
**«Atmosfera» илмий-тадқиқот ва лойиҳа-технология институтининг катта илмий ходими**

# СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● Сувни Қуёш энергияси ёрдамида шўрсизлантиришнинг янги услуби оддий технологияларга қараганда таннархни пасайтириш ва олинаётган истеъмол суви сифатини ошириш имконини беради. Димондаги Ядер тадқиқотлар маркази олими Дани Саги сувни шўрсизлантириш ва Қуёш энергиясини олиш билан шуғулланадиган қатор фирмалар мутахассислари ёрдамида шунга эришди. Тадқиқот маълумотлари саноат ва савдо вазирлиги бош илмий мутахассиси Аннон Эйнав буюртмаси бўйича бажарилди. Янги технология «Солель» компанияси томонидан ишлаб чиқилган, бу ерда «Луз» компаниясининг собиқ ишчилари ишламоқда. Бу компания яқинда тугатилди. Лекин у 80-йилларда яратган қурилмалар ҳали ҳам АҚШнинг Жанубий Калифорния штатида Қуёш энергиясини олиш учун ишлатилади. «Солель» компанияси қурилмалари Қуёш энергияси ёрдамида буғ олиш учун қўлланилади. Ўз навбатида буғ электр олиш, совутиш қурилмалари ва ҳоказолар учун керакдир.

● Мексикалик таниқли мусаввир Руфино Тамайонинг баҳоси миллион доллар деб баҳоланган «Уч персонаж» асари 1987 йилда ўғирлаб кетилган эди. Яқинда бир аёл тасвирий санъат галереясига телефон қилиб, мазкур картина топилгани ҳақида хабар берган. Аёлга қанча мукофот берилгани ҳозирча сир сақланмоқда. Маълум бўлишича, Элизабет Гибсон исмли ёзувчи аёл ижарага олган хонасини тартибга келтириш чоғида ахлат қутиси ичида ётган қандайдир картинани топиб олади. Картинани ташлаб юборишга кўзи қиймай, уни олиб қолган аёл кўп ўтмай бу 20 йилдан буён қидирилаётган қимматбаҳо картинанинг ўзгинаси эканлигига ишонч ҳосил қилган. Мексиканинг энг машҳур рассомларидан ҳисобланган Руфино Тамайонинг «Америка» номли асари 1993 йилда рекорд баҳода — 2,59 миллион долларга сотилган эди.

● Шу йилнинг 20 ноябридан бошлаб Япония ҳудудига кираётган ҳар бир чет эл фуқаросининг бармоқ излари олинади. «Raya-News» ахборот агентлигининг хабар беришича, чегарадан ўтиш чоғида бармоқ излари олинишидан ташқари, махсус камерада мамлакат ҳудудига кираётган чет эл фуқароси тасвирга ҳам туширилади. Бу жараёндан сўнг муҳожирлик хизмати орқали унга бир нечта саволлар билан мурожаат этади. Янги талаблар мамлакатда жорий йилнинг 23 ноябридан амалга киритилаётган «Муҳожирлик назорати ва қочоқларни тан олиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳаётга татбиқ этилади. Уни ишга туширишдан асосий мақсад терроризмга қарши кураш чораларини янада кучайтиришдир. Киришда дактилоскопия ва фотосуратга олинишдан фақатгина 16 ёшга тўлмаган болалар, дипломат ёки хизматчи мақомида Японияда доимий иш фаолиятини олиб борадиганлар ва давлат маъмурий органлари раҳбарлари томонидан таклиф этилган шахслар озод этилади.

● Россиянинг йирик авиакомпаниялари янги федерал қоидаларга риоя этишга тайёр дейилади «Новости» АА хабарида. Шундай қилиб, ушбу қоидалар кучга кирди. Унда йўловчилар ҳуқуқига алоҳида урғу берилган. Жумладан, йўловчилар самолёт учишини аэропортларда икки соатдан ортиқ кутиб қолса, уларга чанқовбосди ичимлик бепул тарқатилади. Агар тўрт соатдан ортиқ ушланиб қолса, иссиқ овқат ҳам бепул берилади. Агар самолёт учишини 8 соатдан ортиқ кутишга тўғри келса-чи? Ахир ноқулай об-ҳаво шароити ёки техник нуқсонлар сабаб бўлиши ҳам мумкинку? У ҳолда йўловчилар меҳмонхоналарга аэропорт ҳисобидан жойлаштирилади. Бундан ташқари, етти ёшгача бўлган боласи бор оналарга алоҳида имкониятларга эга хоналар ташкил этилади. Икки соатдан ортиқ вақт самолёт парвозини кутаётган йўловчилар эса аэропорт телефонларидан икки марта бепул фойдаланиши ва электрон почта орқали иккита хабар жўнатиши мумкин. Шунингдек, уларнинг юкларини ҳам сақлаш хоналарига жойлаштириш бепул ташкиллаштирилади. Авиачиптасини аэропортда йўқотиб қўйган йўловчи муаммоси эса янги қоидага кўра, унинг фойдасига ҳал этилади. Ушбу қоидалар Россия Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган.

● Англияда Европа томонидан учиб ўтаётган самолётларда йўловчиларнинг мобиль телефонларидан фойдаланиш тизими ишлаб чиқилди. Самолёт бортидаги станция базаси ер билан алоқани сунъий йўлдош орқали боғлайди. Бироқ битта лекини бор, яъни самолёт бир километр баландликка кўтарилгандагина мобиль телефондан фойдаланишга рухсат этилади. Кўтарилиш ва қўниш пайтида телефонлар ўчирилиши шарт. Мобиль телефонларининг ушбу янги сервис хизмати келгуси йил бошларидан Буюк Британия авиайўналишларида иш бошлайди.

● Жаҳонда турли шаҳарлар каби Пекинда ҳам кўчани фақат белгиланган жойда кесиб ўтиш мумкин. Лекин Хитой пойтахтида қариялар кўчани кесиб ўтиш учун алоҳида имтиёзга эга. 70 ёшдан катта бўлган кишилар кўчани ўзлари хоҳлаган жойидан кесиб ўтишлари мумкин. Бу вақтда ҳайдовчилар машиналарини тўхтатиб туришлари шарт.

● Польшада идиш-товоқлар музейи бор. Европада ягона ҳисобланган бу музей кўргазмаларидаги буюмларнинг асосий қисмини 200 йилдан бери ишлаб келаётган «Силазия» идиш-товоқлар корхонасининг маҳсулотлари ташкил этади. Шуни айтиш кераккки, ҳозирги вақтда ушбу корхонада чиқарилаётган кастрюл, това ва чойнаклар дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатига экспорт қилинади.

● Нон дарахти деб аталувчи ўсимликнинг бўйи 18-20 метр, барглари эса йирик-йирик шаклда бўлади. Мевасининг оғирлиги 15-20 килограмм келади. Бир туп нон дарахти бир неча юз килограмм «нон» ҳосил бериши мумкин. Мевасининг пўсти ғуддағудда, мағзи сарғиш-лимонранг, пишгач мағзи хамирдек юмшаб қолади. Унинг мевасининг учи ўткир ёғоч билан бир неча жойдан тешиб, тун бўйи ташқарига қўйилади. Эрталабгача хамирга ўхшаб ошиб қолади. «Хамир»га сув ва норжил ёғи қўшиб ёғоч тоғорада қорилади. Зувалалари банан баргига ўраб тандирда ёпилади. Ундан тайёрланган ноннинг таъми буғдой нон таъмига ўхшаб кетади. Нон дарахти Ҳиндистон иқлимига мослашган бўлиб, кўпроқ ўлканинг жанубида ўстирилади.

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## Юсуф Хос Ҳожиб

### ҲИКМАТЛАР

**Қари бўлдунг – йигитликдан алинг юв,
Биларсанким, яна қайтмас оқар сув.
Йигитликни йигитларга қўюб кет,
Бу кун тонгда ужун кўб эйгулук эт.**

* * *

**Бошимиз устунда бу халқи жаҳон
Сайр этгайлар ер узра кўб замон.
Алдин-алга келди бизга мамлакат,
Айла ҳам кеткай келиб алдан равон.**

* * *

**Етганинча кучунг кўнгул ёбқил –
Ким, халойиқ сенга дуо қилғай.
Тушкан эр ҳожатин раво қилсанг,
Ҳақ сенинг ҳожатинг раво қилғай.**

* * *

**Кичиликда адаб ўгранмаган эр,
Улу бўлса, бил, андин хайр келмас.
Эгулур ёш ағоч нечук тиласанг,
Қури эгри ағоч ўтсуз тузалмас.**

* * *

**Ота меҳриндан устод жаври яхши!**

* * *

**Сахийларнинг алинда бир дирам йўқ,
Ғанийларда дароҳим чўқ, карам йўқ.**

* * *

**Харж этиб умрин, йиғиб олтун-кумуш, улким емас,
Орттурадур молу мулкин – ҳеч ўлгайман демас.
Дарду ҳасрат бирла ўлса, устуна қилма намоз,
Ул кишиким, охиратнинг қайғусин ҳаргиз емас.**

* * *

**Ичириб элга қошуқ бирла шўрба,
Чўмуч сопи билан кўзин чиқарма.**

* * *

**Ёмонга эйгулук қилсанг, сунуб кўл,
Алингдан давлатинг олмоқ тилар ул.**

* * *

**Алинг юв ул мунофиқ дўстданким,
Юрур душманларинг бирлан бўлуб ёр.**

* * *

**Одамий кўнглин йиқар сўз сўзлама,
Сулҳ эясиндан хусумат кўзлама.**

* * *

**Аё, келган жаҳонга, эйгулук эт,
Ёмон ишни ёмонларга қўюб кет.**

* * *

**Ўн киши бир суфрада емак ер, дағи ортар,
Икки ит бир мурдор учун бир-бирин йиртар.**

* * *

**Қачон сендан билиқли эр очиб оғзин сўза келса,
Неча яхши билур бўлсанг, сўзина эътироз этма.**

* * *

**Кишининг фазлу миқдори бўлур маълум бир кунда
Ва лекин нафси хубсини боқиб йиллар билиб бўлмас.**

* * *

**Не турурсан боқиб, аё йўлдош,
Тош узадур йилон, алингда тош.**

* * *

**Ҳасуд эр қандаким аҳли ҳунар бўлса, ани кўзлар,
Қатинда дам ура билмас, йўқинда ғийбатин сўзлар.**

* * *

**Жоҳиллар аро олим ўлтурса, анга ўхшар:
Бир шамъи мунаввар кўзсузлар аросинда!**

* * *

**Эй неча кунлар керакким, ғўра бўлса тотли ош,
Эй неча йиллар керакким, лаъл бўлса асл тош.
Сен ани бир сўз била синдурмағил, эй ёри чуст –
Ким, пиёла синса, мушкулдур яна қилмоқ дуруст.**

* * *

**Кўзунг оч уйқудан, эй одам ўғли,
Сенки кимдан кесиб, кимга тузубсан,
Хато сўзни эшитиб душманингдан,
Керакли дўст аҳдини бузубсан.**

* * *

**Елар дунёнинг ортинча ҳарис эр,
Ўлумин англамай олтун ғамин ер.**

* * *

**Ҳасуд эрга бало келсун демаким,
Анинг узра ҳасад оғир балодур.
Не лозим сен анга душман бўлурсан,
Ўчунгни чун ҳасад андан олодур.**

* * *

**Не қадарким беклар оши тотли бўлса, эй қўноқ,
Ўрли йўқсулға қуру(қ) ўтмаги андан яхшироқ.**

* * *

**Мунофиқ суҳбатингда неъматинг ер,
Чиқиб душманларингга ғийбатинг дер.**

* * *

**Эйгу оти қолса эрнинг яхшироқ,
Сўнгра қолғинча тўли олтун равоқ.**

* * *

**Узун бўйли аҳмақдан қисқа бўйли оқил яхшироқ.**

* * *

**Рустамга отаси Зол бир кун
Айтти: кел, эшит ўгут, куни сен,
Ғофил юрубон ўсал бўлма,
Душманни кўруб ҳақиру мискин.**

* * *

**Зулм қилса малик раиятга,
Ложарам мамлакат хароб бўлур.
Лутф душманга кўргузур бўлсанг,
Дўстлуқ шартин ул тамом қилур.**

* * *

**Ким зулм элин узатса, султон бўлурми – бўлмас,
Қўйларға қуврат ҳаргиз чўпон бўлурми – бўлмас!**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

---

Дўстлари ва яқинлари Зуннур Турсунович Исмоиловга падари бузруквори

**Турсунбой ота ИСМОИЛОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

---

**ПОЙТАХТДАГИ ЛАЪЛ БАҲОДУР ШАСТРИ НОМИДАГИ ҲИНД МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА "ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИНД ФИЛЬМЛАРИ" МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ. МАРКАЗ ВАКИЛЛАРИ, ҲИНДШУНОС ОЛИМ ВА ПРОФЕССОРЛАР, ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАЛАР ИШТИРОК ЭТГАН ДАВРА СУҲБАТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИНИНГ "ЁШЛАР" ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИ МУҲАРРИРИ, ҲИНДШУНОС, ТАРЖИМОН АҲМАДЖОН ҚОСИМОВ ОЛИБ БОРДИ.**

# ҲИНД КИНОСИНИНГ ЖОЗИБАСИ

А. Қосимов Тошкент давлат шарқшунослик институтини тугатиб, 1980 йилда Деҳли университетида таҳсил олган. 1993 йилда эса Ҳиндистондаги оммавий ахборот воситаларига ихтисослашган университетда малака ошириб қайтди. Айни пайда у Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Ёшлар" телерадиоканалида "Намасте Ҳиндистон" эшиттириши бошловчиси.

— Ҳинд фильмлари жозибадорлиги, мафтункорлиги, севги-муҳаббат мавзусини томошабинга моҳирона етказиб бериши билан мамлакатда кино бозорининг катта индустрияга айланишига сабаб бўлди, — деди Аҳмаджон Қосимов. — Ўзбекистонга ҳинд фильмларининг кириб келиши 1954 йилга тўғри келади. Ҳиндистонга қилган ижодий сафарларимда севиб томоша қилган фильмларни ҳамюртларимиз ҳам ўзбек тилида кўришини орзу қилардим. Устозларга ҳавас қилган ҳолда мен ҳам "Баҳодир Шоҳ Зафар", "Жаннат" фильмларини ўзбек тилига таржима қилдим. 2003 йилдан шу кунга қадар "Синема-маркет" компанияси буюртмасига кўра юздан ортиқ фильмларни ўзбек тилига таржима қилиб мухлисларга ҳавола этдик. Улар орасида "Боғбон", "Вир ва Зара", "Зулмат" "Криш" каби халқимизга манзур бўлган машҳур фильмлар ҳам бор.

Учрашувда меҳмонлар ҳужжатли фильм томоша қилишди. Унда Аҳмаджон Қосимов муаллифлигидаги "Намасте Ҳиндистон" эшиттиришига тайёргарлик кўриш жараёнлари, ҳинд фильмларини "Синема-маркет" компаниясида ўзбек тилига дубляж қилиш лавҳалари акс этган. Шунингдек, фильмда Раж Капур ва Наргизни Тошкент, Санкт-Петербург, Москва, Сочи шаҳарларига қилган ижодий сафарлари, фильмларидаги қўшиқлари намойиш этилди. 2006 йил декабрда Ўзбекистонда Раж Капур хотирасига бағишлаб ўтказилган байрам кечаларида улуғ актёр фарзандларининг юртимизга ташрифи ва байрамлардаги иштироки тасвирланган лавҳалар мухлислар қалбида узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

---

# «МОВИЙ ОСМОН ОҒУШИДА»

**ИНСОНЛАРНИ ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ ҲАМ, ЯХШИЛИККА ЕТАКЛОВЧИ ҲАМ БУ – САНЪАТДИР.**

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида машҳур рангтасвир устаси Юрий Чернишовнинг хотирасига бағишланган кўргазма иш бошлади.

Кўргазманинг очилиш маросимида йиғилганлар рассом хотираси хурмати учун бир дақиқа сукут сақлашди. Сўзга чиққанлар Юрий Чернишов шахси ва унинг бетакрор ижоди хусусида фикр билдиришди.

Рассом Ю. Чернишов 1944 йил Тошкентда туғилган. «Унинг санъатга бўлган меҳри бўлакча эди», – дея эслашади замондошлари. Рассом Москвадаги Олий рассомчилик – саноат (собиқ Строганов номидаги) билим юртини тамомлаган.

– Унинг асарларидаги ўзига хослик – ранг-барангликдан иборатдир, – дейди Ўзбекистон халқ рассоми, академик Баҳодир Жалолов. – Мен Чернишов асарларида ранглар орқали тасвирланган руҳиятни кўраман. Назаримда, рассомнинг ютуғи ҳам шунда.

Бугунги кунда Ю. Чернишов асарлари Москвадаги Шарқ халқлари музейида, Бадиий кўргазмалар дирекциясида, Ўзбекистон давлат Санъат музейи ва Ўзбекистон Миллий банки галереясида сақланмоқда.

Ю. Чернишов хотирасига бағишланган ушбу кўргазмада рассомнинг қирққа яқин асарлари қўйилган. Рангтасвир асарлари – рассом дунёқарашини намоён этади. Уларнинг пластик ечимида шоирлик ва мусиқийлик уйғунлашиб кетган.

Рассомнинг кўргазмага қўйилган «Наврўз», «Воҳа», «Лабиҳовуз», «Мовий осмон оғушида» каби асарлари фусункор диёримиз, гўзал Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббатини ўзига хос тарзда акс эттирган. Шунингдек, кўргазма рассом ижодининг турли даврларининг энг характерли жиҳатларини кўрсатиб беради.

– Мен Ю. Чернишов асарларида рассомнинг пок қалби, табиатга бўлган меҳрини ҳис этдим, – дейди андижонлик ҳаваскор рассом Оқил Умаров. – Кўргазмани томоша қилар эканман, бу инсоннинг дилбар шахс эканлиги ва ҳеч ким кўра олмаган нарсаларни-да пайқай олиши мени лол қолдирди.

Эслатиб ўтамиз кўргазма 6 ноябрга қадар давом этади.

**«Туркистон-пресс»**

---

## Спорт янгиликлари





# ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**ХИТОЙНИНГ ШАНХАЙ ШАҲРИДА «СПЕШЛ ОЛИМПИКС» ДАСТУРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА ҚАТНАШГАН, ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ 66-МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ АСОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ КУНИ КЕЧА ШАҲРИМИЗГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ.**

Айтиш керакки, мазкур нуфузли мусобақаларда барча қитъалардан 156та мамлакат терма жамоалари ғалаба учун кураш олиб борди. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, бизнинг ёш чарм тўп усталаримиз фақат Эрон ва Украина жамоаларидан ортда қолган ҳолда турнирнинг бронза медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Ушбу ютуққа эришишда ёш футболчиларга мураббий Рашид Сафариевнинг бой тажрибаси Ўзбекистон футбол федерацияси, Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Карвон Холдинг» компанияси каби ҳомийнинг мадади катта бўлди.

Зафар қучган терма жамоачилари Миробод туманидаги 224-мактаб терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Ўзлари тўғриларида сўзлаб беришди. Хитойдаги турнир юзасидан таассуротлари билан ўртоқлашишди.

Ҳозирда 66-мактаб спортчилари кейинги мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, улар учта мамлакатда бўлиб ўтадиган Европа футболи ҳафталигида қатнашадилар.

Биз аҳил жамоага келгуси мусобақаларда ҳам омад тилаб қоламиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: терма жамоа аъзолари; жамоанинг 394-мактаб командаси билан учрашувидан лавҳа. Алексей Попов олган суратлар.**

# ЁШ ТЕННИСЧИЛАР ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШДИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН «ОЛИМПИЯ УМИДЛАРИ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА 16 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШ ТЕННИСЧИЛАР ҒОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРДИ.**

1991-1993 йилларда туғилган қизлар ўртасида ўтказилган беллашувлар финалида пойтахтликлар вакиласи Анастасия Светунковани мағлубиятга учратган олмалиқлик Дилдора Раҳимова ғолиб бўлди. Ўсмирлар баҳсида эса тошкентлик Руслан Усейнов Намангандан келган Мирзоҳид Мирзакаримовни мағлуб этиб, биринчи ўринни эгаллади.

Ўн уч ёшгача бўлган теннисчи қизлар баҳсида пойтахтлик Яна Хон устидан зафар қучган қозоғистонлик Александра Гринчишина бош соврин соҳибаси бўлди. Ўсмирлар ўртасидаги финалда фарғоналик Муҳаммадризо Саидхўжаев андижонлик Дилмурод Ҳосиловни енгди.

# ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР МАЙДОНДА

**ҲИНДИСТОННИНГ ҲАЙДАРОБОД ШАҲРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН IV БУТУНЖАҲОН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР СПОРТ ЎЙИНЛАРИДА ДУНЁНИНГ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАРИДАН КЕЛГАН СПОРТЧИЛАР ҚАТОРИДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҲАМ ҒОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.**

Мусобақа дастуридан жой олган енгил атлетика беллашувларида ўзбекистонликлар дастлабки медалларни қўлга киритишди. Терма жамоамиз аъзоларидан Анна Сидорова 800 метр масофага югуриш беллашувларида маррага иккинчи келиб кумуш медаль билан тақдирланди.

Енгил атлетиканинг узунликка сакраш тури бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилган Анастасия Журавлёва учинчи натижа билан бронза медалга сазовор бўлди.

**Боҳир БЕК**

# СЎНГГИ ТУРДА АНИҚЛАНАДИ

**БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ ГУРУҲ БАҲСЛАРИДА ҚАТНАШАЁТГАН РОБЕРТ ГАЙ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИГА УЧИНЧИ ТУРДА ҲАМ ОМАД КУЛИБ БОҚДИ.**

Дастлабки баҳсда майдон эгалари билан 2:2 ҳисобидаги жанговар дурангни қайд этган ҳамюртларимиз иккинчи турда Туркманистон ўсмирлар терма жамоасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратганидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Шуниси эътиборлики, тожикистонлик тенгқурларига қарши учинчи турда майдонга тушган футболчиларимиз қизиқарли, муросасиз кечган беллашувда 2:1 ҳисобида зафар қучишди ва очколар сонини 7 тага етказиб олишди.

Турнир жадвалида тўплар нисбатига кўра биринчи ўринда бораётган мезбонлар фаластинлик ёш чарм тўп усталарини ушбу турда 6:1 ҳисобида енгишган бўлса, Туркманистон-Бангладеш учрашуви 3:1 ҳисобида ён қўшниларимизнинг ғалабаси билан якунланди.

Энди ҳал қилувчи сўнгги турда ҳамюртларимиз бангладешлик тенгдошларига қарши тўп суришади. Агар ушбу учрашувда вакилларимиз йирик ҳисобда рақибларини мағлуб эта олишса, БАА ўсмирлар терма жамоаси билан очколари тенг бўлсада, турнир жадвалининг энг юқори поғонасига кўтарилиб олишади.

# ВАЛУЕВ ЯНА РАҚИБ БЎЛАДИМИ?

**ПРОФЕССИОНАЛЛАР ЎРТАСИДА БУТУНЖАҲОН БОКС АССОЦИАЦИЯСИ — WBA ЙЎНАЛИШИ СУПЕРОҒИР ВАЗНИДА АЙНИ КУНЛАРДА ОЛТИН КАМАРГА ЭГАЛИК ҚИЛАЁТГАН РУСЛАН ЧАГАЕВГА ҚАЙСИ БОКСЧИ ДАЪВОГАР БЎЛАДИ?**

Ушбу саволга келаси йилнинг 14 апрелида уюштириладиган Валуев-Ляхович жангидан сўнг жавоб олишимиз мумкин.

Гап шундаки, 29 сентябрда Жан-Франсуа Бержерон билан беллашган собиқ жаҳон чемпиони россиялик Николай Валуев яна чемпионликка даъвогар сифатида битта жанг ўтказиши лозим. Шунингдек, чемпионликка даъвогар сифатида эътироф этилаётган чарм қўлқоп усталари орасида белоруссиялик Ляхович ҳам бор. Дарвоқе, Ляхович ҳам собиқ жаҳон чемпиони ҳисобланади.

Агар ушбу баҳсда Валуев Ляховични енга олса биз Чагаев-Валуев ўртасидаги яна бир ажойиб беллашувнинг гувоҳига айланишимиз мумкин.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

---

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

***Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 16 ноябрь куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган қуйидаги автотранспорт воситаларини қайтадан қўймоқда.***

2006 йил 30 январдаги 1668/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳудудидаги «Эркин» жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 11Т00-70 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц-212» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-18 924 000 сўм.

2007 йил 5 апрелдаги 4782/9-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30О55-05 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тойота-Лексус LX-470» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-132 000 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 1. Тел: 138-69-94,138-69-93. Лицензия DB001-000010.

## TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOGI ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАР!

**АТС индексларини 2 миллионлик ҳудудга ўтказилиши бўйича тадбирлар режасига мувофиқ 2007 йилги ишлар муддати ҳақида маълум қиламиз.**

| Мавжуд | Янги | Режалаштирилаётган муддатлар |
|---|---|---|
| АТС-125 | АТС-225 | 05.11 дан 06.11га |
| АТС-132 | АТС-232 | 12.11 дан 13.11га |
| АТС-133 | АТС-233 | 20.11 дан 21.11га |
| АТС-136 | АТС-236 | 26.11 дан 27.11га |
| АТС-134 | АТС-234 | 03.12 дан 04.12га |
| АТС-135 | АТС-235 | 10.12 дан 11.12га |
| АТС-124 | АТС-224 | 17.12 дан 18. 12га |

***АК «Ўзбектелеком» TShTT филиали маъмурияти***

---



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 906

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

***Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.***

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2049 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 13.10